

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ**

**“Сув хўжалигини  
автоматлаштириш ва  
механизациялаш”  
факультети**

**“Ҳаёт фаолият хавфсизлиги”  
кафедраси**

**Ҳимояга рухсат этилсин**

**ҲФХ кафедраси мудирини**

**\_\_\_\_\_ И.Ахмедов**

**“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2013 й.**

**Бакалавр даражасини олиш учун  
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Мавзу: «Сув хўжалиги объектларида фавқулодда вазиятларда фуқаро  
ҳимоясини ташкил этиш (Паркент-Қорасув ИТБ мисолида)»**

**БАЖАРУВЧИ:**

**К. ЭРНИЯЗОВ**

**РАҲБАР:**

**Т. ҲАЙДАРОВ**

**Тошкент – 2013 й.**

## МУНДАРИЖА

	Бет
Битирув малакавий иши учун топширик	3
Кириш	5
Мавзунинг долзарблиги	9
1. Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармаси ҳақида маълумот	9
2. Асосий қисм.	21
2.1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари	21
2.2. Паркент-Қорасув ИТБ ҳудудида содир бўладиган фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш	27
2.3. Техноген фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш	38
2.4 Фавқулодда вазият юз берганда аҳолини эвакуация қилишни ташқил этиш.	43
3. Ҳисоб қисми	50
3.1 Кучли таъсир этувчи заҳарли моддалар билан зарарланиш оқибатларини аниқлаш	50
3.2. Сув хўжалик объектларида содир бўладиган табиий офатлар оқибатларини башоратлаш	53
4. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш	56
5. Иқтисодий қисм	59
5.1. Паркент-Қорасув ИТБ ҳудудида содир бўлган эҳтимолий ФВнинг зарар ва талофатини аниқлаш	59
Хулоса	62
Фойдаланилган адабиётлар	64
Интернет материаллари	66

ТАСДИҚЛАЙМАН:  
ХФХ кафедраси мудири  
\_\_\_\_\_ И. Аҳмедов  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2013 й.

Битирув малакавий иши учун топширик

Талабанинг фамилияси, исми, шарифи Экниёзов Камолиддин  
Битирув ишининг мавзуси «Сув хўжалиги объектларида фавқулодда вазиятларда фуқаро ҳимоясини ташкил этиш (Паркент-Қорасув ИТБ мисолида)»

Институтнинг “04” 12 2012 йил №651 /т сонли буйруғи билан тасдиқланган.

Битирув малакавий ишини топшириш муддати 15июнь 2013 йил  
Битирув малакавий ишини бажариш учун дастлабки маълумотлар Махсус адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар, кўрсатмалар, тавсияномалар, илгор хўжаликлар тажрибалари, объектдан олинган дастлабки маълумотлар

Ҳал этилиши лозим бўлган саволлар Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармасида содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларнинг ўрганиш, олидини олиш ва фуқаро ҳимояси ташкил этиш

Ишнинг график қисми чизмаларининг мазмуни Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармасини вазифа ва функциялари ,фавқулодда вазиятларн и синфланиши ва фуқароларни ҳимочсини ташкил қилиш бўйича бўйича жадваллар ва чизмалар тайёрлаш ва слайдлар яратиш

Битирув ишининг бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи Ф.И.Ш.	Имзо, сана	
		Топширик берди	Қабул қилди
Кириш	Т. Ҳайдаров		
Асосий қисм	Т. Ҳайдаров		
Иқтисодий қсм	Т. Ҳайдаров		

Топширик берилган сана “15” декабрь \_\_\_\_\_ 2012 й.

Раҳбар \_\_\_\_\_ Талаба \_\_\_\_\_  
(имзо) (топширик олдим, имзо)

## ТАҚВИМИЙ РЕЖА

Т.р.	Битирув ишининг қисмлари	Бажарилиш муддати	Изоҳ
1.	Кириш қисми. Мавзунинг долзарблигини асослаш.		
2.	Объект хақида маълумотлар		
3.	Асосий қисм		
4.	Экологик қисм		
5.	<i>Иқтисодий қисм</i>		
6.	Хулоса		
7.	БМИ ни расмийлаштириш, мулоҳаза ва тақризлар олиш, камчиликларни тўғирлаш, ишни кафедрага тақдим этиш		

**Талаба**

**Эрниёзов К.**

**Раҳбар**

**Ҳайдаров Т.**

## КИРИШ

Инсоният XXI асрга кадам кўяр экан, ўтган давр мобайнидаги совук урушлар, тинчлик даврларида кўлланилган замонавий куроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва бошқа муаммоларни таҳлил қилади ва янги аср бўйсағасида бажариладиган тадбирларни ҳар томонлама асослаган ҳолда белгилаб олади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқариш жараёнининг мисли кўрилмаган юксак тараккий этган технологиялар билан таъминланиши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисоднинг барқарор ривожланишига таҳдид солиб турибди. Шу сабабдан ҳам Ўзбекистонда ўз мустақиллигига эришган дастлабки йилларданок энг муҳим вазифалар қаторидан мамлакат аҳолиси ва ҳудудини турли хил фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш масалалари ўрин олди. Республикамиз Президенти Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўйсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари» китобида таъкидлаганидек: «Экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бўтун инсониятнинг умумий муаммосига айланган». Ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида Президентимиз «Ўзбекистон XXI асрга интиломда» асарида ҳам батафсил тўхтаб ўтганлар. Албатта, юкоридаги муаммоларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун тавсифли бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни чуқур таҳлил қилиш натижасидагана (ҳар бир вазиятнинг келиб чиқиш сабабини, кучини, таъсир доирасини, одамларга, атроф-муҳитга кўрсатадиган оқибатларини ўрганиш) уларга қарши энг қулай чора тадбирлар белгиланадики, натижада ҳар

кандай фавкулодда вазиятлардаги ҳам модций, ҳам маънавий йўқотишлар миқёсини шунчалик қискартиришга эришиш мумкин.

Фуқаролар муҳофазаси-умумдавлат мудофаа сиёсатларидан бири бўлиб, у кандай фавкулодда ҳолатларда фуқароларни, халқ хўжалиги тармоқларини муҳофаза қилишда, уларнинг муттасил ишлашини таъминлашда ҳамда кўтқариш ва тиклаш ишларини бажаришда катта аҳамият касб этади. Албатта, фуқаролар мудрфааси олдига қуйилган юқоридаги ишлар 1945 йилдан то 1990 йилларгача давом этиб келди, лекин шудавадгача юқоридаги ишларни бажариш учун эҳтиёжлар булмади. Афсуски бу даврларда (тинчлик даврларида) табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари, турли хил халокатлар юз бердики, халқимиз, халқ хўжалигимиз бундан жиддий зарарланди. Бундай ҳолатларда биз бир биримизга ёрдам беришга тайёр эмас эдик. Мустақиллик давридагина фавкулодда ҳолатларда фуқаролар муҳофазаси томонидан етарли ижобий ишлар қилина бошланди.

Жумладан, мустақиллигамизнинг дастлабки даврларида фуқароларни ва ҳудудларни табиий офатлардан, турли хилдаги авариялардан муҳофаза қилиш, фуқароларнинг муътадил ҳаёт фаолиятини таъминлаш борасидаги вазифаларни ҳал этиш учун Ўзбекистон ҳукумати томонидан 1991 йилда фуқаро мудофааси тизими фуқаро муҳофазаси тизимига айлантирилди. Янгидан ташкил этилган ушбу тизим Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги таркибига кирувчи фуқаро мудофааси ва фавкулодда вазиятлар бошқармаси сифатидатинчлик даврлардаги табиий офатлар, ишлаб чиқариш фалокатлари ва халокатларнинг олдини олиш ва уларнинг, оқибатларини тугатиш вазифаларини бажаради. Мамлакат фуқаролар муҳофазасини ривожлантиришнинг асосий концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил 9 апрелда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Республика Кенгашида сузлаган нўткида баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 4 мартдаги фармонида биноан аҳолини ва халқ хўжалиги иншоотларини табиий офатлардан

муҳофаза қилишнинг самарали тизимини ташкил этиш, Республикада табиий ва техноген хусусиятли фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг фуқаро мудофааси ва фавкулудда вазиятлар бошқармаси негазида Ўзбекистон Республикаси Фавкулудда вазиятлар вазирлиги (ФВВ) ташкил қилинди.

ФВВнинг асосий вазифалари ва фаолият йуналиши асосан: фавкулудда вазиятларни бартараф этиш, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, фавкулудда вазиятлар юз берганда уларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда зарарини камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги ҳаракатларни бошқаришнинг давлат тизими (ФВДТ)ни ташкил этиш ва унинг фаолиятини таъминлаш, фуқаро муҳофазасига раҳбарлик қилиш, вазирликлар, идоралар, маҳаллий давлат органлари фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва ҳақозоларга қаратилган.

ФВВ нинг муваффақиятли иш олиб боришида мамлакатимизда яратилган кучли ҳуқуқий базанинг аҳамияти катта. Жумладан, фавкулудда вазиятлар масаласида Фуқаро Республикасининг «Аҳоли ва ҳудуддарни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавкулудда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» (1999 й.), «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги (2000 й.) қонунлар, Республика Президентининг иккита Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 30 дан ортиқ қарор ва фармойишларини айтиш мумкин. қабул қилинган меъёрий ҳужжатларда Россия, АҚШ, Германия, Франция, Украина ва бошқа етакчи давлатларнинг фуқаро муҳофазаси тизимини шакллантириш борасидаги тажрибалари инобатга олинган.

Ўзбекистон фуқароларини фавкулудда вазиятлардан муҳофаза этишнинг қонун билан белгиланган асосий тамойиллари: инсонпарварлик, инсон ҳаёти ва соғлиғининг устиворлиги, ахборотнинг ўз вақтида берилиши ва ишончилиги, фавкулудда вазиятларда муҳофаза қилиш чораларининг қурилишидир.

Республика ФВДТ Фуқаро Республикаси Президентининг 1998 йил 11 декабрдаги фармонига асосан Бош вазир томонидан бошқарилади. Ҳозирги кунда ФВДТнинг Республика, маҳаллий ва объект босқичидан иборат 14 та ҳудудий ва 40 дан ортиқ функционал куйи тизимдан иборат булган фавкулотда вазиятларнинг оддини олиш ва уларда акат қилиш давлат тизими уз фаолиятини курсатмокца. Бу тизим ягона концепцияни белгилаш, башоратлаш, тахлилий ишлар, турли дастурлар яратиш ва уларни амалга ошириш, фуқаро муҳофазаси куч ва воситаларининг доимий тайёргарлигини таъминлаш, фалокатлар, халокатлар, табиий офатларни бартараф қилиш ҳамда халқаро ҳамкорлик борасида олиб борилаётган ишлар узининг ижобий натижаларини бермокца.

Бу тизимни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашда ҳукуматимиз томонидан фуқароларни фавкулотда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлашни ташкил этиш, ФВларни таснифлаш, авария кўтқарувтизимларини кенгайтириш, вазифаларини такомиллаштириш ва уларни замонавий жихозлар билан таъминлаш, сув ости хизматини яратиш каби тадбирлар борасида катта ёрдам курсатмокца.

Ҳозирги кунга келиб ФВДТ таркибида «Нажоткор» Республика кидирув-кўтқарув маркази, «Халоскор» махсус бийлаштирилган кидирув-кўтқарув қисми ; «кўтқарувчи», «камчик», «Олмазор» қисмлари ташкил этилиб, улар томонидан 8,5 минг маротаба турли фавкулотда вазиятларда аҳолига ёрдам беридци. Жумладан, Тожикистон Республикаси кайроқум бекатидаги темир йул фалокати, Шохимардондаги 1998 йилда содир булган сел офати, 1999 йидца Туркияда булган Измир зилзиласи, 1999 йилда камчикдовонидаги қор қучиши, 2001 йидца юз берган Тошкент вилояти кодиря бекатидаги темир йул халокати ва бошқаларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Бу йуналишдаги ишлар савиясини янада ошириш мақсадида Республиканинг қупгина шаларида, жумладан: Тошкент, Самарқанд, Андижон, Жиззах, Чирчик, Ангрен ва бошқа жойларда махсус «кўтқарув хизмати» тизимлари тузилган ва уларнинг одцига

кандай экстремал вазиятларда аҳолининг ҳаётига, саломатлигига хавф солувчи ҳолатларда ёрдам бериш юклатилган. кўтқарув хизмати тизимларининг уз телефон рақамлари мавжуд (масалан, Тошкент шаҳрида 050; Самарканд шаҳрида 911 ва ҳоказо), улар тунукун уз вазифаларини бажарадилар.

Шундай килиб, фуқаролар муҳофазаси ҳар кандай ғавқулодда вазиятларда фуқароларни, моддий ресурсларни муҳофаза қилиш, фуқароларни кандай ҳаттиакат этиши, уларга кандай чоратадбирлар билан ёрдам берилиши, шикастланган зоналарда кўтқарув ва тиклов ишларини олиб бориш, ишлаб чиқариш тармоқларини мўттасил ишлашини таъминлаш вазифаларини бажаради.

## **МАВЗУНИНГ ДОЛЗАРЪЛИГИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақил тараққий этган давлатлар қаторида ўзининг муносиб ўрнини топишга, «Келажаги буюк давлат» бўлишга интиломда. Республикамиз Президенти И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлоик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида “Ислоҳатнинг бу мураккаб йўлини танлаб, қандай муаммо, қийинчилик ва синовлар билан юзма-юз келишимизни тасаввур қила оламизми?” деган саволни ўртага бежиз қўймаган эди. Чунки ўтган йилларнинг тахлили шуни кўп кўрсатдики: Ўзбекистон келажакдаги асосий уч масала: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш, барқарорликни таъминлаш ва тараққиёт йўлидаги устивор мувозанатни қандай сақлаб қолиш масалаларини хал қилиш лозим.

Дунёнинг турли бурчакларида кучли бўронлар, тўфонлар, зилзилалар, тошқинлар бўлиб туради. Бунинг натижасида бир неча юзлаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмиши ва бир неча минглаб кишилар бошпанасиз қолганлиги бизга маълум. Булардан ташқари хил фалокатлар ва авариялар бўладиги, булардан ҳам эътиборни қочирмаслик керак.

Фалокатлар тўсатдан бўладиган ҳодиса бўлганлиги сабабли кўплаб одамларни ҳалокатга олиб келиши, вайронагарчиликларга сабабчи бўлиши ва кўплаб моддий зарар етказиши мумкин.

Авариялар ҳам тўсатдан бўладиган ҳодиса бўлганлигидан биноларнинг бузилиши машина механизмларнинг ағдалириши, синиши каби инсон фаолиятига пўтур етказувчи омил сифатида қаралади.

Экология мувозанатини бузилиши, табиий фалокатлар таъсири ва бунга яна кўшимча равишда корхоналарда бўладиган бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини ҳисобга олсак, инсон ҳаёт фаолияти деярли хавф-хатарлардан иборат эканлиги маълум бўлади.

Инсон ҳаёти қадамда ва сонияда хавф-хатар таъсири остида қолаётганда, келиб чиқаётган муаммоларни омма онгига сингдириш асосий масалалар сифатида майдонга чиқмоқда. Шунинг учун ҳам аҳолига тўлиқ маълумотлар бериш, бундай ҳолатлар юз берганда қилиниши зарур бўлган тадбирлар ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиш ниҳоятда долзарб вазифа.

Ҳозирги тинчлик замонида айниқса мустақил Ўзбекистон ўз юксалиш йўлидан бораётган ҳолатида ҳеч қандай тинчсизликнинг бўлиши мумкин эмас. Ўзбекистон тинчликсевар ўлка ва у ҳеч кимнинг тинчлигини бузмоқчи эмас. Аммо табиат ато этган бу ўлка бирмунча фавқулодда ҳодисалар ўчоғи бўлиб келган. Айниқса у ўрнашган ҳудуд зилзила хавфи мавжуд бўлган ҳудуд ҳисобланади. Шунинг учун унинг ҳар бир фуқаросини бу ўлкада бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай фавқулодда ҳодисалардан огоҳ қилиш ва фавқулодда ҳодиса рўй берган тақдирда ундан муҳофазаланиш чора-тадбирларини белгилаш ва бундай ҳолатларда аҳолини иложи борида бу ҳодисалардан кам талофат билан қутилиб кетиш чора-тадбирларига ўргатиш долзаб масаладир.

## **ПАРКЕНТ-ҚОРАСУВ ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ**

Битирув малакавий ишида объект сифатида Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармасини (ИТБ) қабул қилдик. «Паркент-Қорасув» ирригация тизими бошқармаси Чирчиқ-Оҳангарон Ирригация тизимлари хавза бошқармасининг таркибий бўлинмаси бўлибгина қолмай, у Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасидаги ҳудудий органи ҳисобланади.

Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармасининг асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги экинларига лимит бўйича сувни тақсим этиш, сувдан унумли фойдаланиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқармага қарашли каналларни тозалигини таъминлаш, гидротехник иншоотларни, гидропостларни ҳолатини соз тутиш ва таъмирлашдан иборатдир. Ирригация тизими бошқармаси сув ҳавзасида ер усти сув ресурсларини тартибга солиш ва фойдаланишда техник сиёсат ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

Ирригация тизими бошқармасининг асосий вазифаларига қўйидагилар киради:

- ирригация тизими бўйича сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ҳамда сувдан фойдаланиш қонун қоидаларига риоя этилишини таъминлаш;

- ирригация тизими бўйича сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда тезкорлигини ошириш;

- ирригация тизими ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш;

- ирригация тизимидан ишончли фойдаланиш ва уни ишчи ҳолатида сақлаш;

- олинган ва етказиб берилган сув ресурсларини аниқ ҳисобини ва ҳисоботини олиб бориш;

- -сув ресурсларини иқтисод қилувчи технологияларни қўллаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ажратилган маблағлардан, моддий техника ресурсларидан, техника жиҳозилардан мақсадли фойдаланиш.

**1.1- жадвал. Паркент-Қорасув ИТБга қаршли ҳудуддаги суғориладиган ерлар майдони ва сувдан фойдаланиш ҳолати**


Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 йилни 2009 йилга нисбатан % ҳисобида
Суғориладиган майдон, га	80010	80020	80270	100,3
Тузилган шартномалар сони	37	34	34	92,0
Лимит бўйича ажратилган сув ҳажми, млн. м <sup>3</sup>	443,48	629,0	430,0	97,0
Ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажми, млн. м <sup>3</sup>	435,63	600,54	433,21	99,0
Лимитга нисбатан ҳақиқатда фойдаланилган сув ҳажми, %	98	95	101	103
Лимитга нисбатан кам олинган сув миқдори, млн.м <sup>3</sup>	7,79	28,46	-	-
Лимитга нисбатан ортиқча олинган сув миқдори, млн.м <sup>3</sup>	-	-	3,21	-

**Бошқарма қўидаги функцияларни амалга оширади:**

-сувдан фойдаланиш режаларини умумлаштиради ҳамда Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига сув олиш лимитлари бўйича таклифлар киритади;

-ирригация тизими бўйича Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан ўрнатилган лимитлар доирасида иқтисодиёт тармоқлари, туманлар, магистрал каналлар, алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари,

1.1-расм. Паркент-Қорасув ИТБсининг ташкилий тузилмаси



бирламчи сувдан фойдаланувчилар бўйича сув олиш лимитларини ҳамда тизимдаги насос станциялари ва агрегатларнинг иш режимини белгилайди;

-ирригация тизими бўйича ер усти сув ресурсларини бошқаради, улардан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ташкил этади;

-сув хўжалиги тизимидан фойдаланишнинг ишончлигини таъминлаш ва уни ривожлантириш, ресурсларини тежайдиган технологияларини, сувдан фойдаланишни бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда ҳавза бошқармасига таклифлар киритади ва уларнинг бажарилишини ташкил этади;

-тизим бўйича белгиланган лимитларига риоя этилишини ҳамда сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишини назорат қилади;

- туман, манбалар ҳамда алоҳида муҳим сув бериш ва сув олиш ҳисобини, шунингдек ҳисоботини юритади;

-сув ресурслари балансини тузади, иқтисодиёт тармоқлари, маъмурий вилоят, туманлар, манбалар ва айрим алоҳида муҳим сув хўжалиги объектлари бўйича «Сувдан фойдаланиш» бўлими бўйича сув кадастрини юритади;

-тизимнинг сув таъминотини ошириш, ирригация тизимлари ва иншоотларини такомиллаштириш ва ривожлантиришга доир таклифлар тайёрлайди ва уларни амалга оширади;

- ирригация тизими бўйича сув хўжалигини истиқболли ривожлантириш схемаларини тузиш, шунингдек, инвестиция дастурларига киритиш учун ирригация тизимлари ва иншоотларини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш, техника билан қайта жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди, инвестиция лойиҳаларида қатнашади ва уларнинг амалга оширилишини ташкил этади;

-магистрал каналлар (тизимлар), Насос станциялари, алоқа ва энергетика бошқармалари ҳамда бирламчи сувдан фойдаланувчилар билан сувни олди- берди шартномаларини тузади;

-ирригация тизими бўйича сув ресурсларини бошқаради, бирламчи сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимит ва сувдан фойдаланиш режаси асосида сув етказиб беради;

-манбалардаги сув таъминотиغا, об-ҳавога ва бошқа сабабларга кўра ҳамда зарурият туфайли сув бериш муддати ўзгарган ҳолларда Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан келишилган ҳолда Ирригация тизимидаги сув лимитларига ўзгартиришлар киритади;

-сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этишни таъминлайди;

-ирригация тизими бўйича сув ресурсларини самарали бошқаришни назорат қилади, "Ўзсувназорат" инспекцияси билан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимлари билан биргаликда сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартибига риоя этилишини назорат қилишда катнашади;

Ирригация тизими бўйича алоҳида каналлар, иншоотлар, иқтисодиёт тармоқлари, туманлар, бирламчи сувдан фойдаланувчилар бўйича сувнинг олди-берди ҳисобини ва белгиланган тартибда ҳисоботини олиб боради, сув ресурслари балансини ишлаб чиқади;

-ирригация тизими, каналлар, манбалар, маъмурий туманлар, иқтисодиёт тармоқлари ва сувдан фойдаланувчилар бўйича «Сувдан фойдаланиш» бўлими ҳақида сув кадастрини юритади;

-балансидаги ирригация тизимидан ишончли фойдаланишни амалга оширади, тизимни зарур миқдорда сув ўлчаш воситалари билан жиҳозлашни, уларнинг метеорологик таъминотини ташкил этади, сув ресурсларини бошқаришда алоқа, автоматика ва телемеханиканинг замонавий тизимини жорий этади;

-ирригация тизимига қарашли алоҳида каналлар сув таъминотини ошириш, ирригация тизими ва иншоотларини. такомиллаштириш ва

ривожлантириш ҳамда янги техникаларни жорий қилишга доир таклифлар тайёрлайди ва уларни амалга оширади;

-шартнома асосида бошка ирригация тизимларига, шунингдек сувдан фойдаланувчиларга хужалик ички гидромелиоратив тармоқларини техник ҳолатини соз ҳолда сақлаш учун техникавий ёрдам курсатади;

-ирригация тизимидан ишончли фойдаланиш ва уни иш ҳолатида сақлаш учун уни тайёрлашни ташкил этиш;

-ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш;

-сув истеъмолчилари бўйича сув ресурсларидан фойдаланишнинг ишончли ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш.

Хизмат кўрсатиш ҳудудидаги суғориладиган ерларни йиллик ҳисоб-китобини олиб боришда иштирок этади;

Ирригация тизимини ишлатиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқади, ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишни таъминлайди;

Ресурсларни иқтисод килиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, таъмирлаш ишларини арзонлаштириш ва сифатини ошириш мақсадида уларнинг мақбул шакллари ва усулларини жорий этади;

Қурилаётган ташкилотлар бирлашган дирекциялари билан биргаликда ирригация тизими ва иншоотларни замонавийлаштириш, реконструкция килиш, техника билан қайта жихозлаш бўйича қисқа муддатли ва истикболли иш хажмларини ишлаб чиқади ва инвестиция лойиҳаларини киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат килади

Сувдан самарали фойдаланишнинг муҳим курсаткичларидан бири туманлараро каналлардан фойдаланиш коэффицентини оширишдир. Бу курсаткич режа бўйича 0,9 га тенг булиб, ҳақиқатда эса 0,75 ни ташкил этади. Режадаги курсаткичга эришиш учун каналларни тозалаш ишларини амалга

ошириш лозим. Тахлиллар шундан далолат берадики агар 2008 йилда 190 километр сугориш тармоқлари тозаланган булса, 2010 йилга келиб бу курсаткич ПО километрни ташкил этган. Бундай ҳолатни зовур тармоқларини тозалаш ишларини бажаришда ҳам кузатишимиз мумкин

**1.2- жадвал. Паркент-Қорасув ИТБсига қарашли хўжаликлараро сугориш ва зовур тармоқларини тозалаш ишлари ҳолати**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 йилни 2009 йилга нисбатан % ҳисобида
Хўжаликлараро сугориш тармоқларининг узунлиги	км	693,23	693,23	693,23	100
Шу жумладан бетонланган	км	522,28	522,28	522,28	100
Хўжаликлараро сугориш тармоқларининг ФИК		0,87	0,87	0,87	100
Хўжаликлараро сугориш тармоқларини тозалаш ишлари ҳажми	м. м <sup>3</sup>	228,9	258,6	257,7	112,6
Хўжаликлараро зовур тармоқларини тозалаш ишлари ҳажми	м. м <sup>3</sup>	198,7	326,9	904,6	4,5 марта

Сугориш ва зовур тармоқларини тозалаш ишлари ҳажми салмоғи кичик булиб, умумий бажарилиши лозим булган ишларнинг атиги 8-10% ни ташкил этади. Бу муаммони ечиш учун мутахассислар фикрига кура, дав лат бюджетидан купрок, молия маблағларини ажратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бизнинг фикримизча сугориш тармоқларини тозалашни ҳдшар йули билан ташкил этиш мақсадга мувофиқ,. Бу йуналишда Республикамининг

барча вилоятларида шакилланган тажриба ва куникмалар мавжуд. Чунки ушбу усул инкилобдан олдин, хатто Собиқ Иттифоқ даврида ҳам кенг кулланилган.ҳам

Сугориш ва зовур тармоқларидан фойдаланиш уларнинг техник даражасига боғлиқ;. Фойдаланиш даражаси тармоқдар техник даражасига мос булмаганда уларнинг функционал иш қобилияти пасайиши ва қисқа вақт ичида ишдан чиқиши мумкин.

Сугориш тармоқларидан фойдаланиш билан шугулланувчи инженер-техник ходимлар ва ишчиларнинг билимлари ҳамда иш тажрибалари тармоқ техник даражаси талабларига мос келиши лозим. Тармоқнинг замонавий конструкцияси, уларнинг ишлаш принципи билан яқиндан таниш булмаган шахсларни тармоқдан фойдаланишга жалб этиш тармоқлар ишини издан чиқишига сабаб булади.

Тармоқлардан фойдаланиш билан шугулланувчи кишиларни уқитиш уларнинг малакасини ошириш, ҳозирги куннинг энг долзарб муаммолардан биридир. Айниқса хужаликлараро тармоқдарни қайта тиклашга алоҳида аҳамият бермоқ лозим. Сугориш тармоқларида банд булган ходимларни ким ва қайси ловозимда булишидан қатъий назар функционал ишларига аралашувларига, айрим ҳрлларда курсатма беришларига чек қуйиш керак. Акс ҳолда тармоқлардан фойдаланишни керакли савияда ташкил этишга эришиб булмайди.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланишда ирригация тизими бошқдрмасининг тутган урни каттадир. Ирригация тизими бошқармаси ихтиёридаги каналларнинг техник ҳолати яхши булса, сув исрофгарчилиги камроқ булади, чунки каналлардан фойдаланиш коэффиценти юкори булади. Сугориш тармоқдарининг қафолатли ишлашини таъминлаш учун уларни тозалаш ва таъмирлаш ишларини уз вақтида олиб бориш талаб этилади. Кейинги йилларда ирригация тизимларини тозалаш, таъмирлаш ишларига ажратилаётган молиявий маблаглар йил сайин камайиб бормоқда.

Бу эса ўз навбатда дастлаб сугориш тармоқларининг техник ҳолатни ёмонлашувиға қолаверса сув исрофгарчилигини купайишиға олиб келмоқда. Шу боис бизнинг фикримиз шундан иборатки, келгусида ирригация тизимларини бошқаришни босқичма босқич сув истеъмолчилари уюшмалари ихтиёриға бериш дастурини ишлаб чиқиш ва амалға ошириш лозим.

### 1.3- жадвал. Паркент-Қорасув ИТБсининг иш самарадорлиги

#### таҳлили

Кўрсаткичлар	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 йилни 2009 йилға нисбатан % ҳисобида
Жами бажарилган ишлар ҳажми, минг сўм	157896	166160	178716	113,2
Ишчилар сони	291	288	286	98,3
Йиллик иш ҳақи фонди, минг сўм	657814	810825	986727	150,0
Бир ишчига тўғри келадиган йиллик иш ҳақи, м.сўм	2260,5	2815,4	3450,1	152,6
Бир ишчи ҳисобига бажарилган ишлар ҳажми, м.сўм	42287,0	46694,0	52261,0	123,6

-ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Паркент-Қорасув ирригация тизими бошқармаси қўйидаги ҳуқуқларға эға:

-корхоналар, муассалар ва ташкилотлардан ўз ваколатларига кирувчи масалаларни хал этиш учун зарур бўлган материалларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

-сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўзига келишиш учун тақдим этилган қарорлар лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш;

-сув ҳақидаги қонун ҳужжатлари, сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш қоидалари, сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби бузилганлиги учун айбдор

шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги белгиланган тартибда тақдимномалар бериш;

-қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эгадир.

Бошқарма ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

Бошқармага Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан танлов асосида лавозимга тайинланадиган бошлиқ қилади. Танловни ўтказиш тартиби Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Бошқарма бошлиғи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-бошқарма фаолияти раҳбарлик қилади ва бошқармага юкланган вазифалар ва функциялар бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Давлат бюджети маблағлари, бошқарма таркибий бўлинмаларининг хўжалик ҳисобидаги сув хўжалиги ташкилотларининг ривожлантириш фаолияти фондидаги фойданинг фоиз ажратмалари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар бошқармани молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

## **2. АСОСИЙ ҚИСМ**

### **2.1. Аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Мамлақатимизнинг миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллигини, кудуратли интеллектуал салоҳиятини таъминлашда сиёсий ва ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган тадбирлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида, Президентимиз томонидан олиб борилаётган сиёсат негизида, алоҳида хавфсизликни кафолатловчи, фуқаролар масъулиятини ва жамиятнинг ҳуқуқий заминини белгиловчи бир қанча меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Мазкур, ҳуқуқий ҳужжатларнинг кўпгина қисми, XX аср поёнида мурракаблашиб бораётган турли хусусиятга эга бўлган фавқулодда вазиятларнинг таърифи, таснифи, келиб чиқиш сабаблари ва содир бўлгудек бўлса, аҳоли хавфсизлиги, инсон саломатлигини таъминлашдек тадбирларга бағишлангандир. Бу бежиз эмас албатта, чунки, ҳозирги шароитда мамлақатимиз аҳолисини ва иқтисодий объектларни муҳофаза қилишни юксак даражага кўтариш, уларнинг табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлар ҳамда турли фалокатлардан сақлаб қолиш миллий давлат сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу эса фавқулодда вазиятларни олдиндан аниқлаш ва аҳолини бундай хавфлардан ўз вақтида огоҳлантириш борасида самарали тадбирлар ўтказиш, хавфли вазият рўй берган тақдирда тезкор ҳаракат қилиш ва хавфсизликни таъминлашни тақазо этади.

Кейинги вақтларда фавқулодда вазиятларда, дунё миқёсида кўпайиб бораётганлиги, кўпгина давлатларнинг барқарор ривожланишига жиддий салбий таъсир етказмоқда. Бинобарин, Ватанимиз ҳудудлари ҳам турли фавқулодда вазиятлардан ҳоли эмас. Ўзбекистоннинг иқлими, табиий тузилиши, табиий-геологик шароити, ишлаб чиқариш тармоқларининг жойлашуви ўзига хос турли фавқулодда вазиятлар юзага келиши ва

тарқалишига сабаб бўлади. Шу боис, мазкур ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолини хавфсизлигини таъминлаш ўта долзарб воя муҳим жабҳалардан биридир.

Буни инобатга олган ҳукумат, давлатимиз раҳбирияти мазкур масала билан махсус Фавқулодда вазиятлар вазирлигини ташкил этди. Унинг асосий вазифаси: фавқулодда вазиятларни олдини олиш, рўй берган тақдирда бартараф этиш, инсон ҳаёти ва саломатлигини, моддий ва маънавий қадриятларни муҳофаза қилиш фавқулодда вазиятлар оқибатларини тугатиш ҳамда зарарларни камайтириш соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва малга оширишдан иборат.

Албатта бу вазифаларни бажариш биргина вазирлик ва унинг тасарруфидаги тармоқ ташкилотларининг ягона вазифаси бўлмай, мазкур хайрли ишда Республикада мавжуд бўлган барча вазирлик ва идоралир ўз фаолияти доирасида салмоқли улуш қўшишлари шарт. Шу боис ҳукуматимиз томонидан «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимит тўғрисида» махсус қарор қабул қилинди. Мазкур қарорда ҳар бир вазирлик, идора, ташкилот учун ўз йўналиши бўйича аниқ функциялар белгилаб қўйилган.

Энг муҳими ҳар бир раҳбардан то кичик хоидмгача шу вазифаларни англаш, тўғри тушунтириш, уларни ижросини таъминлаш талаб этилади.

Бунинг учун фавқулодда вазиятларнинг тури, таснифи тарқалиш ҳолатлари билан бир қаторда аввало улар билан боғлиқ бўлган асосий атамалар, тушунчаларнинг мазмуни, моҳиятини ҳамда шу соҳанинг ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларини тўғри англаб унгаамал қилиш бир фуқароларнинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Хусусан хавфсизлиги таъминлаш, инсонлар саломатлигини юксак даражага кўтариш масалалари бўйича ҳам бир қанча қонуний ҳужжатлар қабул қилинди. Булар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони №1378 “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар Вазирлигини ташкил этиш тўғрисида” 4 март 1996 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Одамлар ва ҳайвонларнинг кўтириши касаллигига қарши курашни кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида” 18-январ 1996 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Тошқин, сел оқимларини оқизиб юбориш ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ бўлган ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш ҳамда уларнинг бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 201-сон, 12 апрел 1994 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Ўзбекистон Республикаси одамлар ва ҳайвонларда кўтуриш касаллигига қарши тадбирлар тўғрисида” 18 январ 1996 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 43-сон, 11 апрел 1996 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими тўғрисида 558-сон, 23 декабр 1997 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Ўзбекистон аҳолисини Фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишга тайёрлаш тартиби тўғрисида” 427-сон, 7 октябр 1998 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Техноген, табиий ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг таснифи тўғрисида” 455-сон, 27 октябр 1998 йил;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори “Тошқин, сел оқимлари ҳамда кўчки ҳодисаларидан огоҳлантириш ва оқибатларини бартараф этиш тадбирлари тўғрисида” 132-сон, 16 март 2001 йил;

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида” 20 август 1999 йил;

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Одамларнинг имунитет танқислиги вируси билан касалланишининг (ОИВ касалигининг) олдини олиш тўғрисида” 19 август 1999 йил.

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Йўл акати хавфсизлиги тўғрисида” 19 август 1999 йил.

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” 20 август 1999 йил.

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида” 31 август 2000 йил.

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Радиациявий хавфсизлик тўғрисида” 31 август 2000 йил.

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Терроризмга қарши кураш тўғрисида” 15 декабр 2000 йил.

- Ўзбекистон Республикаси қонуни “Фуқаро муҳофазаси тўғрисида” 26 май 2006 йил;

- О’зДст 981:2000 “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик асосий тушунчаларининг атамалари ва таърифлари” 25 октябр 2000 йил;

- О’зДст 982:2000 “Фавқулодда вазиятларда хавфсизлик. Табиий фавқулодда вазиятлар атамалар ва таърифлар” 25 октябр 2000 йил.

Бу қонунлар том маънода ҳозирги замонда аҳоли ва ҳудудларни турли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилишнинг ягона ҳуқуқий асосини белгилайди. Уларнинг амалдаги ҳаракати махсус қўлланмалар ва амалдаги давлат стандартлари асосида олиб борилади.

Фавқулудда вазиятлар тўғрисида фикр билдирар эканмиз, уларнинг маънавий ва маърифий асослари негизига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Чунки, ватанимиз ҳудудларида ўтмишда ҳам тарли табиий офатлар соир бўлган ва ҳозирда ҳам давом этмоқда. Фарқи шундан иборатки, инсон томонидан табиий манбаларни ўзлаштириш оқибатида “табиат ва инсоният” тизимида мувозанат бузилиб, нохуш вазиятлар йилдан йилга кенг кўламли, кўп тармоқли ва мураккаб хусусиятини намоён қилмоқда.

Тарихдан маълумки ота-боболаримиз ҳам табиий жараёнларни кузатишлар, йиллараро таққослаш, даврийлигини аниқлаш орқали хавфсизликни таъминлаш учун маълум чора-тадибирларни қўллашган.

Бизнинг давримизгача етиб келган маънавий дурдоналар, халқ мақоллари ҳанузгача ҳаёт хавфсизлиги тадбирларини амалга оширишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жумладан, “Хушёр бўлсанг, офат кўрмайсан”, “Фалокат оёқ остидадир”, “Сақлансанг-соғ қоласан”, “Сақланганни сақлайман”, “Синч уйим-тинг уйим” ва шу каби ҳаётий тажрибадан ўтган иборалар борки, йиллар ўтган сари уларнинг қадр-қиммати ортиб борса борадики, асло тушмайди.

Ҳозирги вақтда миллий маънавият тўғрисида турли хил фикрлар билдирар экан, маънавий камолатга етакловчи ахлоқий маданият, ахлоқий тарбияда бебаҳо мулк ҳисобланмиш ота-боболаримиз ҳаёт тажрибаси ва қомусий алломаларимизнинг нодир асарларида битилган тарихий меросни ўз ўрнида ва ҳар томонлама ҳаётга тадбиқ этишимиз зарур. Зеро, бюклигимизнинг асоси ҳам бой тарихий меросимиздадир.

Муқаддас китобларда битилган соғлом ва тинч – осуда турмуш кечириш тамойилларини ҳозирги кун талабида изоҳлаб, ҳар бир ишга тадбиқ этилса, биринчидан бизгача бўлган тарихга эътибор, ундан унумли фойдаланиш, ота-боболаримизнинг буюк меросига ҳурматни юзага келтирса, иккинчидан, ҳозирги вақтда мураккаб жараёнлар заминида кечаётган ҳаётимизда учраб

турадиган нохуш ҳолатларни ақл-идрок билан енгиб ўтишга мукамал тайёргарлик кўриш ҳамда юксак маънавиятга эга бўлган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида юз бераётган фавқулодда вазиятлар, уларнинг хусусиятлари, фавқулодда вазиятлар манбалари бўлиши мумкин бўлган объектларнинг фаолият кўрсатиши муҳофаза тизимларини тузиш ва уни такомиллаштириш талаб этади.

Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва ҳудудларни хавфсизлигини таъминлаш борасида асосий муаммоларни ҳал этиш, давлат бошқарув органларини фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилишни мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 23 декабрдаги 558-сонли қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларда уларни олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) ташкил этилди.

Давлат тизимининг асосий мақсади бошқариш органларини, Республика ва маҳаллий бошқарув, корхона, ташкилот, идораларни куч ва воситаларни бирлаштиради ва аҳолини, ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларни содир бўлишини олдини олиш ва оқибатларини тугатиш масалаларини ҳал этишга асосланган. Мазкур тизим ваколатига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, тинчлик ва ҳарбий даврда фавқулодда вазиятлардан давлат иқтисодиётига етказиладиган зарарни камайтириш масалалари ҳам ўрин олган.

Давлат тизими 14 та ҳудудий, 22 та функционал ва 1 та ахборот-бошқарув куйи тизимлардан иборат. Давлат тизими 3 даражада фаолият кўрсатади, булар Республика, маҳаллий ва объект даражаларидир. Қайд этилган ҳар бир даражаларда бўлиши шарт бўлган бешта бўғинлар мавжуд. Жумлдан, органлари, фавқулодда вазият оқибатларини тугатиш куч воситалари, фавқулодда вазиятни бартараф этишда зарур бўладиган молиявий ва моддий

ресурслар захираси ҳамда ахборот, алоқа ва маълумотлар билан таъминлаш тизимидан иборат.

Маҳаллий қуйи тизимлар Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва ҳар бир вилоят марказларида ташкил этилган. Функционал қуйи тизимлар эса ўз ваколат даражасида вазирлик ва ташкилотлар тизимида ташкил этилгандир.

## **2.2. Паркент-Қорасув ИТБ ҳудудида содир**

### **бўладиган фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш**

#### **2.2.1. Фавқулодда вазиятларнинг турлари ва уларни олдини олишга қаратилган умумий тадибирлар**

Фавқулодда вазиятлар тавсифига кўра, сабаби ва келиб чиқиш манбаига кўра қуйидаги турлага бўлинади:

- 1 Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар ;
- 2 Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар;
- 3 Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар;

**Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар.** Табиий тусдаги фавқулодда вазиятларга 3 хил турдаги хавфли ҳодисалар киради:

- геологик хавфли ҳодисалар: зилзилалар, ер кўчишлари, тоғ ўпирилишлари ва бошқа хавфли геологик ҳодисалар;

- гидрометеорологик хавфли ҳодисалар: сув тошқинлари, селлар, қор кўчкилари, кучли шамоллар (довуллар), жала ва бошқа хавфли гидрометеорологик ҳодисалар;

- фавқулодда эпидемиологик, эпизоотик ва эпифитотик вазиятлар: алоҳида хавфли инфекциялар (ўлат, вабо, сарғайма, иситма), юқумли касалликлар, Брил касаллиги, зооноз инфекциялар, СПИД ва бошқлар киради.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ булиб юқумли касалланиши, уларнинг заланиши (зали модда билан ҳамда озиковкатдан оммавий заланиш); эпизоотия — хайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд булиши; Эпифитотия эса усимликларнинг оммавий нобуд булишидир.

**Техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар.** Техноген тусдаги фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазият киради:

- 1) Транспортлардаги авария ва ҳалокатлар ( кема, самолёт, темир ё`л, вокзал,)
- 2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар;
- 3) Ёнғин-портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар;
- 4) Энергетика ва коммунал тизимдаги авариялар; (ГЕС, ГРЭС)
- 5) Бино ва иншоотларнинг бирдан кулаб тушуши билан боғлиқ авариялар;
- 6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жиҳатдан зарарли моддалардан фойдаланиш ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар;
- 7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар; (сув омборлари, каналлар)

**Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар.** Экологик тусдаги фавқулодда вазиятлар ҳам 3 турга бўлинади:

-Қуруқлик (тупроқ, ер ости) инг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши, тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиги учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа зали химикатлар мавжудлиги.

-Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар: ҳаво мухитининг қуйидаги ингредиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши, олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлигига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар, кенг куламда кислотали ҳудудлар ҳосил булиши ва куп микцорда кислота чиқиндилари ёғилиши, радиациянинг юқори даражаси;

- Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши оқавалари, нефт маҳсулотлари, одамларнинг заланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил зали химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақамизда содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятларни 7 хил турдагиси бўлиши тасдиқланган. Булар:

- zilzilalar, ер сурилиши;
- сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
- кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир зали моддаларнинг ажралиб чиқиши);
- портлаш ва ёнгин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
- темир йул ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
- хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
- радиоактив манбалардаги авариялар.

Юқоридагилардан ташқари фавқулодда вазиятлар тарқалиш майдониغا, кўламига қараб кура 4 гуруҳга бўлинади:

- 1 Локал фавқулодда вазиятлар;
- 2 Маҳаллий фавқулодда вазиятлар;
- 3 Республика фавқулодда вазиятлар;
- 4 Трансчегаравий фавқулодда вазиятлар

**Локал фавқулодда вазият** - бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо

бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай фавқулодда вазиятлар оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

**Маҳаллий тўсдаги фавқулодда вазият** - аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 500 минг бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

**Республика тавсифдаги фавқулодда вазият** - фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда фавқулодда вазият минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миққёсида тарқалиши мумкин бўлган фавқулодда вазият тушунилади.

**Трансчегаравий тавсифдаги фавқулодда вазият** оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Бундай фалокат оқибатлари бир мамлакатнинг ички кучлари ва маблағи билан ҳамда халқаро ҳамжамият ташкилотлари маблағлари ҳисобига тугатилади.

Ватанимиз ҳудудида табиий офатларнинг кўпроқ учраб туриши унинг табиий тузилиши билан боғлиқдир.

Ҳар бир табиий офат содир бўлиш жойи, сабаби, кўлами, у билан боғлиқ бўлган моддий зарар ва бошқа хусусиятлари билан ажралиб туради.

Республикамизда асосан табиий офатлардан zilзила, сел, тошқин, қор кўчкиси кабилар юз бериш эҳтимоли юқорирокни ташкил этади.

**Зилзила.** Зилзила табиатда содир бўладиган энг хавфли ходисаларнинг биридир. Ҳақиқатда зилзиланинг содир бўлиш даврийлиги бир неча ўн йилларни қамраб олсада, у содир бўлганда қисқа вақт ичида минг минглаб аҳолига эга бўлган шаҳарларни вайрон қилиш қудратига эга. Шунга қарамасдан кишилар бундай хавф олидада эсанкираб қолмасдан, унинг оқибатларини бартараф қилишга, шикастланганларга ёрдам беришга ошиқадилар ва обалар ўрнида янада замонавийроқ масканлар барпо этадилар.

“Зилзила эмас, бино ва унинг предметлари кишилар ўлимига сабабчи бўлади” – дейди муҳандис-сейсмологлар. Ҳақиқатда саросима ва ваҳимага берилган кишилар, қалтис ҳаракат қилиши оқибатида қўимча нохушликларни пайдо қилади.

Зилзила келтирадиган талофатларни камайтириш учун қуйидлагиларга эътиборқаратиш лозим:

- сейсмик бардошли иншоотларни лойиҳалаштириш ва биноларни зилзила кучига бардошли қилиш лойиҳалаштириш;
- мавжуд иншоотларни мустаҳкамлаш, эски ва заиф иншоотларда бузилиш хавфини олдини олиш учун мустаҳкамлаш ишларини олиб бориш;
- инсонлар хавфсизлигини таъминловчи пухта уқурилиш меъёрлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ва унга амал қилиш;
- сейсмик хавфнинг манбаи бўлган, ер узилмалари, кўчки тарқалган майдонларда қурилиш ишларини қатъий ман этиш;
- қўтқарув хизматини тайёргарлигини кучайтириш ва хавф юзага келганда ҳаракат қилиш режаларини ишлаб чиқиш;
- инсонлар зилзила ҳақида маълумотга эга бўлиши ва доимо тайёргарлик чора-тадбирларини кўриб қуйиши;
- алоқа воситаларидан умумий ҳолатда берилган маълумот асосида аҳолини дастлабки тайёргарлигини зудлик билан амалга ошириш;

- малакали мўтахассисларга эга бўлган хизмат кўрсатиш бўлимлари шикастланганларга тез тиббий ёрдам кўрсатиши, ёнгинни назорат қилиши, жамоат тартибини сақлаши ва меъёрий турмуш тарзини тиклаши;
- ҳар бир киши нафақат ўзи тўғрисида, балки бошқалар тўғрисида ҳам қайғуриши ва ёрдам бериши;
- тегишли ташкилотлар электр манбаи, сув тармоғи, транспорт ҳаракатини тиклаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишлари;
- зилзила талофатидан азият чеккан инсонлар, аҳоли ўртасида ҳукумат ёрдами бил хилда бўлишини таъминлаш;
- жамоат ташкилотлари айрим ёки бир гуруҳ шикастланганларга ёрдам кўрсатиш, кучли қўрқув ва ваҳима ҳолатига тушиб қолган инсонларга яқиндан малаҳат ва тавсия бериш.

**Ер кўчиши.** Республикамиз тоғли, тоғ олди, дарё бўйлари зоналарида яшайдиган аҳоли ва халқ хўжалиги объектларига катта хавф туғдирадиган табиий офатларданбири ер кўчиши – сурилмадир. Республикамиз ҳудудларида содир бўлаётган ер кўчкиларининг асосий сабаби гидрометеорологик шароит билан боғлиқдир. Шунинг учун бу жараён мавсумий хусусиятига эга, яъни атмосфера ёгинлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик ер кўчиши хавфи юқори бўлади.

Ер кўчиши – ер юзаси бўлагининг ёнбағир бўйича гравитацион куч таъсирида сурилиши, силжишига айтилади. Мамалакатимиздаги ер кўчкилари

Ер кўчиши аҳоли турмуш тарзига хавф солиши, айниқса қишлоқ хўжалик истеъмолида бўлган майдонларга катта зарар етказиши оқибатида кўпгина иқтисодий талофатларни юзага келтиради. Шунинг учун уларнинг пайдо бўлиши, тарқалиш майдонлари махсус дастурлар асосида ўрганиб чиқилиб, керакли италар тузилган.

Республикамизнинг тоғ олди ҳудудларига хос бўлган қишлоқ хўжалик тадбирлари ўтказилиши натижасида кичик-кичик кўламга эга бўлган кўчкилар

учраши ҳолати кўпроқ учраш ҳолати водийнинг ҳамма адирликларида кузатилмоқда. Мазкур тадбирни ўтказишда тоғ олди адирликларининг қулай майдонларини ўзлаштириш билан бирга шу жойларнинг табиий тузилишига, гидротехник иншоотлар жойлашувига, айниқса сувдан фойдаланилаётганда меъёрий кўрсаткичларга катта эътибор бериш лозим. Чунки тупроқ сифати ҳали тўлиқ шаклланмаган, ўсимлиги кам бўлган адирликлардаги лесс қатламлари ортиқча намгарчиликни кўтара олмайди, бу эса шу жойнинг ювилишига, охир оқибатда эрозия жараёни кучайишига замин тайёрлайди.

**Сел.** Сел – сувнинг механик фаолиятдан юзага келадиган мураккаб жараён бўлиб, турли омилларнинг (иқлим, гидрологик, геоморфологик, геологик ва бошқ) ўзаро таъсири натижасида вужудга келади. Унинг тарқалишида маҳаллий шарорит алоҳида ўрин эгаллайди. Сел вужудга келадиган ёки содир бўлиш эҳтимоли юқори бўлган жойларни сел ўчоғи деб юритилади. сел ўчоғи пайдо бўлишининг асосий кўрсаткичи гидрометеорологик шароит ҳисобланади. Узоқ муддатли жала ёғиши ва музликларнинг қисқа муддатда кучли эриши оқибатида дарё ўзанларидаги сув миқдори кескин кўпайиб кетади. Натижада сув билан аралашган оқим пайдо бўлиши натижасида майдоннинг қуйи қисмларида катта кучга эга бўлиб кўпгина купорувчилик ишларини амалга оширади. Шу сабабли селлар икки гурҳга бўлинади: гляциал – музлик ва қорларнинг тез эриши ва жала – кўп миқдорда ёмғир ёғиши натижасида пайдо бўлади. Уларнинг пайдо бўлишида жойнинг геоморфологик тузилши ва чўкинди жинслар миқдори ҳам алоҳида ўрин эгаллайди.

Сел оқимлари ҳаракат хусусияти бўйича турбулент ва структурали турларга бўлинади.

Турбулент селлар ўзан бўйлаб, дарё ва сойлардаги сув миқдори ортиб кетиши натижасида оқим ҳаракати қонунига мувофиқ водий йўналиши бўйича бўлади.

Структурали селлар майдон бўйлаб, турли тош бўлакларининг бўтун ёнбағир бўйича ёппасига бостириб келиши натижасида бўлади.

Ҳар иккала хусусиятга эга бўлган селлар дарё ўзанлари ва ёнбағрларни бузиш билан бирга кенг экин майдонларига катта миқдордаги оқова оқимини олиб келади.

Хавфли жойларда жойлашган аҳоли тўғри ҳаракат қилишида, айниқса кўчки ва сел оқимлари бўладиган ҳудудларда, хавф юзага келадиган омилларни ўз вақтида аниқлаш, қайд этиш ва бунда аҳолини хабардор қилиш тадбирлари муҳим ўрин эгаллайди.

Селлар мавсумий вақтларда бўладиган жараёнлардан ҳисобланади, шу вақтларда сел хавфи юқори бўлган ҳудудларда фаолият кўрсатишнинг айрим талабларига риоя қилиш зарур. Яъни, кўп ҳолатларда аҳолининг маълум қисми дам олиш вақтларини тоғли ўлкаларда, дарё бўйларида ўтказишга ҳаракат қилишади. Бу ҳудудларда сел оқими белгиси сезилгудек бўлса тезлик билан дарё ўзанидан иложи борича узоқроқ, баландроқ ёнбағирга чиқиб кетиши зарур.

Ёғингарчик ўтиб кетгандан сўнгг водийга тушишга ҳеч вақт шошилиш керак эмас, чунки биринчи сел оқимидан сўнгкейингилари такрорланиши мумкин.

Одатда сел оқимининг даврийлиги 3-5 соат давом этади. Селларнинг яна бир хусусияти улар кўшни давлатлар ҳудудида бошланиб бошқа давлат ҳудудида катта талофатлар келтириши мумкин. Албатта, бундай ҳолларда ҳам, олдиндан сел оқимлари, уларни йўналтирувчи, тарқатиб юборувчи махсус гидроиншоотлар қурилишига катта эътибор берилиши лозим.

**Тошқин.** Табиий офатлар ичида катта талофат келтирадиган, аҳолини оғир таҳликага соладиган ва қисқа вақт ичида шиддатли бўладигани сув тошқинидир. Тошқин - дарёлар, сойлар, денгизлар, кўлларда сув сатҳининг кескин кўтарилиши оқибатида юзага келиб, ер юзасининг вақтинча сув босишидир.

Тошқинлар кўп ҳолларда кучли жала, ҳарорат кўтарилиши билан қор ва музликларнинг кескин эриши натижасида ҳавзалардаги сув миқдорининг кўпайишидан пайдо бўлади. Бундан ташқари сув ҳавзалари атрофидаги ёнбағирларда кўчки содир бўлиши қоялардан тоғ жинслари ўпирилиши билан ҳавзадаги сув тошиб чиқиши ва тўғонларнинг беҳосдан бузилиб кетиши оқибатида ҳам содир бўлиши мумкин. Одатда бундай тошқинлар жуда хавфли бўлади. Тошқин хавфи юқори бўлган ҳудудларда қуйидагиларга риоя қили зарур:

-тошқин хавфи бор жойларда ҳар қандай қурилиш иншоотларини барпо қилишга чек қўйилади;

- тошқиннинг ҳосил бўлиш хусусиятига кўра баъзи бир эҳтиёж чораларини кўриши лозим, жумладан, озиқ-овқат, ичимлик суви, кийим-кечак ва бошқа маиший хўжалик захираларига эга бўлиш уларни сув босмайдиган жойларга қўйиш;

- тошқин жуда катта тезлик билан авж олаётган бўлса, зудлик билан яқин атрофдаги тепаликка қараб юриш, бино шароитида бўлсангиз юқори қаватларга кўтарилиш, томларга чиқиб олиш;

- барча эҳтиёт чоралаига қарамасдан сув ичида қоладиган бўлсангиз ваҳимага берилмасдан хотиржамлик билан устки ва оёқ кийимларни ечиш, сув оқими бўйлаб бирорта асосга эга предметни танлаш, сув билан бирга ҳаракат қилаётганбуюмлардан ўзингизни эҳтиёт қилиш чораларини кўришингиз;

- заруратга кўра уйларни, хоналарни тарк этаётганингизда сув, газ, электр тармоқларини хавфсиз ҳолатга келтириш.


Албатта эҳтиёт чоралари олдиндан уюшқоқлик билан олиб борилса, ҳар қандай фожеадан келадиган таловат ва зарарни камайтиришга эришилади.

**Тупроқ емирилиши.** Тараққиётнинг барқарор ривожланишига таҳдид солаётган табиий офатларни яна бири тупроқ емирилиши, ювилиши оқибатида

ер юзасининг биологик хусусияти йўқолиб бориши оқибатида ерларнинг чўога айланиш жараёнидир.

Ер юзасидаги ўзгаришлар натижасида тупроқ қатлами ўз функциясини бажара олмаслиги ҳам табиий, бу инсон хўжалик фаолияти натижасида содир бўлмоқда.

Тупроқнинг инсон фаолияти билан боғлиқ емирилиши кенг миқёсда мураккаб жараёндир. Унда қишлоқ хўжалиги кимёлаштириш, ўрмонларнинг кесилиши, йўлларни, коммуникация тармоғини қуриш, фойдали қазилма конларини қазиб олиш ва бошқа тадбирларнинг улуши катта.




### **2.1 -расм. Табиий тусдаги фавқулодда вазиятлар таснифи.**

Табиий емирилаган тупроқлар сув ва шамол таъсирида бўлиб, ҳар икки ҳолатда ҳам бу жараён содир бўлган жойда чўллашиш ҳодисасини кўришимиз мумкин.

Лекин, яна бир шундай жараён борки, унинг таъсирида тупроқ емирилиши жуда суст, деярли сезилмаган ҳолатда намоён бўлади. Бу ер ички харакати таъсирида рельефнинг кўтарилиши ёки ботиклик ҳосил бўлиши билан узвий боғлангандир. Бундай жараён оқибатида тупроқдаги маҳсулдорлик секин-аста камайиб боради ва ривожланишнинг муҳим босқичига етганда шамол ва сувнинг таъсирида инсоннинг хўжалик фаолияти жадаллашиб кетади. сувнинг таъсирида инсоннинг хўжалик фаолияти жадаллашиб кетади.

2.2. расм. Табиий фавқулда вазиятларнинг ўзаро боғлиқлиги



Ватанимиз тоғ олди адирларида, тоғ этакларида бундай ходисани кўпроқ учратиш мумкин. Масалан: Чоқол-Қурама, Нурота, Туркистон, Ҳисор, Бойсун тоғлари атрофида учратиш мумкин.

### **2.3. Техноген фавқулодда вазиятлардан аҳолини муҳофаза қилиш**

Сув омборларидаги, дарёлардаги, каналлардаги гидротехника иншоотининг (ГТИ) бузилиши, баланд тоғ кулларидаги уриб кетиши натижасида сув босиши, фалокатлар ва халокатларга олиб келади.

Чирчиқ-Оҳангарон ИТХБ ҳудудида гидродинамик хавфли объектлар (ГХО) жуда кўп бўлиб, улар хавф-хатар манбаи ҳисобланади.

ГХО-бу сув оқими бўйлаб узидан олдинги ва узидан кейинги сув сатхларида фарқ пайдо қилиб берадиган иншоот ёки табиий ходиса.

ГТИ нинг турлари:

1. Жойлашишига қараб: ер усти, (дарё, кул, канал) ер ости (ўтказгич, қувурлар, тунеллар).

2. Фойдаланиш ктери ва мақсадига қараб: сув энергетика, сув таъминоти, суғориш, оқава чиқинди сувлар, балиқ хўжалиги, спорт ва х.

3. Функционал вазифасига қараб: ГЭС ва бошқа ГТИ нинг сув бўғиш иншоотлари;

ГТИ куйидагилар натижасида бузилиши мумкин:

а) хавфли табиий офатлар (зилзила, кучки, сув ювиб кетиши, жала ва х.к.);

б) ускуналарнинг табиий ейилиши ва эскириши;


в) лойихалаш ва куришдаги хатолар;

г) ишлатиш коидаларининг бузилиши;

д) портлашлар (жанговор акатлар, террористик ишлар ва х.к.).

Ҳамма ГХО ва эҳтимоли бўлган сув босиш зоналари италарга (режа ва схемаларга) туширилиб, тегишли шикастловчи омиллар ва курсаткичлар кўрсатилади.

Бу ҳужжатлар ФВ бошкармлари ва бўлимларида ГТИ (ГХО) ни тузувчи ва уларни ишлатувчи вазирликлар ва уларнинг жойлардаги булинмаларида туради. Олдиндан тахминлашда фалокатнинг эҳтимоллиги, кулами ва ктери ҳисобга олинади.



**2.3-расм. Фавқулодда вазиятни содир бўлишини олдини олиш тадбирларини кетма-кетлиги**

Ёнгин-бу назорат килиб булмайдиган ходиса булиб, бебаҳо моддий ва маданий бойликларни бир дакикада йўқ килувчи офат.

Ёнгиннинг келиб чиқиши учун 3 омил:

1. Ёнувчи модда (нефть, ацетон, коғоз, ёғоч ва х.к).
2. Ҳаво орати (иссиклик)
3. Учқун-аланга (гугурт, учқун, электрсимининг қисқа тўташуви, табиий газ).

Ёнгин портлашининг асосий сабаблари ва турлари:

-ёнгин хавфсизлиги коидаларига амал килмаслик;

-фуқароларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги;

Электр симларининг носозлиги; газ, кумир, ўтин билан иситиладиган воситалар; болаларнинг ўт билан уйнашлари, қасддан ўт қуйишлар ва бошқа сабаблар. Ёнгин кенглиги жихатдан 3 турга бўлинади: кичик, ўрта ва катта ҳажмда.

Ёнгиннинг олдини олиш чора-тадбирлари:

Ташкилот ва муассасаларда доимий равишда текширув ўтказиш ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш; ёнгиндан муҳофаза килувчи идораларнинг ходимлари берган курсатмаларни бажариш; қурилиш меъёрлари ва коидалари, давлат стандартларига доир махсус буйруқларни сузсиз бажариш; керакли ўт учириш воситалари билан керакли жойларни таъминлаш ва х.к.

Барча қурилиш материаллари ўтга чидамлилиги жихатдан 3 турга бўлинади: ёнмайдиган (бетон, пишик гишт, мрамар); огир ёнувчан (ДВН, ДСП ва бошқалар), ёнувчан (ёғоч материаллар, пластмасса, коғоз).

Портлаш – бу қисқа вақтнинг узида чегараланган ҳажмдаги, катта микдордаги қувватнинг ажралиб чиқишидир.

Портлаш газларнинг каттик қизиши оқибатида юқори босимда содир бўлади.

Портлашнинг зарар етказувчи омили: зарб тулкини ва синик парчаларнинг сочилиши; ёнгинлар тугонларнинг бузилиши, биноларнинг кулаши ва х.к.

Фуқароларни химоя этишда 3 турдаги тадбир бўлади:

1. Қонуний
2. Ташкилий
3. Муҳандислик.

Биз ўрганаётган ҳудудда содир бўлиши мумкин бўлган транспорт аварияси ва халокатлари:

- а) темир йул авария ва халокатлари;
- б) автотранспорт авария ва халокатлари (шу жумладан йул транспорти ходимлари).

Буларга учувчи аппаратларнинг бирор қисми ишдан чиқиши, темир йулларнинг носозлиги, алоқа тизимининг бузилиши, об-ҳавонинг ноқулайлиги, ёнгин ва портлашлар содир бўлиши, террористик акатлар ва бошқалар.

Буларни олдини олиш чора-тадбирлари қуйидагилардир;

- режавий - профилактик курик ва техник таъмирлаш ишларини уз вақтида ўтказиш;
- хизмат муддати коидалари талабларига амал қилиш;
- бошқариш ва алоқа тизимлари сифатини ошириш;
- ходимларнинг билим ва тажрибасини ошириб бориш;
- ДАН ходимлари, хайдовчилар ва аҳолининг биринчи тиббий ёрдам курсатиш бўйича билим ва малакасини ошириш;
- йул акати коидаларига риоя қилиш ва бошқалар.

Шунингдек:

1. Магистрал қувур тармоқларида, нефть ва газ бургулаш майдонларидаги бўлиши мумкин бўлган авариялар.

2. Энергетика тизимидаги авариялар: ГЭС, ТЭЦ, ГРЭС, электр тармоқларида, иссиқлик қозонларида қомплексерларда ва бошқаларда.

3. Маиший хизмат тармоқларида авариялар.

Сув ва газ тармоқлари, сув сақлагичлар қанализациялар, қимёвий ва биологик тозалаш иншоотлар ва бошқалар.

Қимёвий ва радиацион хавфли объектлар.

Қимёвий хавфли иншоот – халқ хўжалиги қорхонаси бўлиб, ҳалокат туфайли одамларнинг оммавий тарзда қаланиши содир бўлади.

Қимёвий қаланиш майдони – маълум улчамдаги қали модалар билан қаланиш ҳудудидир.

Қаланиш манбаи – қимёвий хавфли иншоот жойлашган ҳудуддаги ҳалокат туфайли одамларнинг, усимликларнинг, жониворларнинг зарарланиши.

Таъсирчанлик – қаланишга олиб қелиши мумкин бўлган модала микдори билан белгиланади.

Микдори – микдор улчов бирлиги  $г/м^3$  ёки  $мг/л$  ларда улчанади.

Қимёвий хавфли қорхоналар ҳалокатлари 2 хил тавсифланади:

1-портлаш туфайли содир бўлган ҳалокат технологик жараён ишдан қикқан, қурилмалар бўзилган.

2- ҳалокат натижасида қисман асосий ва технологик қурилмалар ишдан қикқан. Қам микдорда молиявий ёрдам қерак бўлади.

Радиациявий хавфли иншоот-содир бўлган ҳалокат туфайли оммавий радиацион зарарланиш вужудга қелиши мумкин.

Бу ҳалокатларнинг 3 тури бор:

а) бир жойда- усқуналар қегарасида.

б) маҳаллий-маълум бир ҳудудда бўлади.

в) умумий-қатга ҳудудга тарқалади.

Хлор-ҳаводаги микдор  $10 мг/м^3$  бўлса, организмга салбий таъсир қурсатади,  $2500мг/м^3$  бўлса улимга олиб қелади.

Аммиак-хаводаги микдори 40-80 мг/м<sup>3</sup> кўз ёшланади ва нафас йўллари ачишади, 1500-2700 мг/м<sup>3</sup> бўлса ўлимга олиб келади.

Ўзбекистон ФА нинг ядро физикаси институти Тошкент вилояти Қибрай тумани Улуғбек шаҳарчасида унинг атрофида 3 та зона белгиланган:

1. Зарарланган эҳтимоли бор зона.
2. Санитария муҳофаза зонаси.
3. Кузатиш зонаси.

Кимёвий хавфли иншоотлар: Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Чирчик, Олмалиқ ва бошқа шаҳарларда жойлашган.

Кимёвий муҳофаза-бу КТЗМ да аҳолини ва объектларни муҳофаза қилиш тадбирлар комплекси.

Радиацион муҳофаза-РМ дан аҳолини ва иншоотларни муҳофаза қилиш тадбирлари.

Авария ҳалокати-махсулот тайёрлашда ишлатиладиган машиналар, жихозлар, ускуналар мажмуасида носозлик, электр билан таъминлашдаги камчиликлар, бино ва қурилмадаги носозликлар туфайли вужудга келадиган воқеага айтилади.

Катастрофа-ҳалокат-булиб, олдингиларидан фаркли ҳолда ҳалокат қамрови кенгрок ва одамлар ҳалок бўлишига олиб келган воқеага айтилади. (Поездлар тўқнашуви, самолёт ҳалокати ва бошқалар).

## **2.4. Фавқулодда вазият юз берганда аҳолини**

### **эвакуация қилишни ташкил этиш**

Аҳолини ва ишчи ходимларни турли хусусиятлардаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, барча объектлар, ташкилот ва муассасалар раҳбарларини энг асосий вазифаларидан бўлиб, бу нарса «Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ги Қонуннинг 11-моддасида баён этилганидек, белгиланган

тартибда эвакуацияга оид тадбирларни ўтказиш ва одамларни жойлаштириш мақсадида олдиндан базалар тайёрлаб қўйиш лозимлиги қайд этилган.

Шу сабабли ҳозирги вақтда ҳам фавқулодда вазиятнинг кўламига қараб аҳоли ва ишчи-ходимларни муҳофаза қилишни энг омил усулларида бири, имкон даражасида аҳолини хавфли жойлардан олиб чиқиб кетиш, яъни эвакуация тадбири ҳисобланади. Лекин бу тадбир анча мураккаб бўлиб, барча органларни тайёргарлик кўришларини, фуқароларни қандай ҳаракат қилишга ўқитишга аҳамият беришни талаб этади.

Чунки офат рўй берган жойга махсус хизмат тизими бўлимлари ва бошқа хуудлардан асосий ёрдам кучлари етиб келгунча камида бир неча кун вақт керак бўлади. Тезлик билан ҳаракат қилинмаса, фавқулодда вазиятлар аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Хавфни олдини олишга тайёргарлик, алоқа ва ахборот воситаларининг доимий шайлигини назорат қилишга, такомиллаштиришга, эвакуация режаларини ўз вақтида ўтказишга, тиббий ёрдамни кўрсатишга чорлайди. Бундан ташқари тайёргарликни юқори бўлиши аҳолини ва масъул шахсларни тайёрлаш ва малакасини оширишга, кўтқариш кучларини хавф турилганда фалокат вақтида тезлик билан тўғри ҳаракатлар бажаришга ўргатади.

Тадбир ўтказилиш вақти ва муддатига қараб, аҳолини ва ишчи ходимларни кўчиришни 2 турга ажратадилар:

- олдиндан ўтказиладиган эвакуация;
- шошилиш (кечиктириб бўлмайдиган) эвакуация;

**Олдиндан ўтказиладиган эвакуация** - фавқулодда вазият (хавфли объектлардаги фалокатлар ёки табиий офатлар) юзага келиш эҳтимоли юқори даражада экани ҳақида, ишончли маълумот олинганда ўтказилади. Бунга бир неча ўн дақиқадан бир неча сўткагача давр ичида фавқулодда вазият содир бўлиши мумкинлиги ҳақидаги олдиндан тахминлаш асос ҳисобланади.

**Шошилич (кечиктириб бўлмайдиган) эвакуация** - одамларнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф туғиладиган даражада техноген ёки табиий тусдаги фавқулодда вазият юзага келган, аҳолининг рисоладагидек кун кечириши бузилган тақдирда ўтказилади.

Фавқулодда вазият ривожланиб бориши ва фавқулодда вазият зонасидан олиб чиқиладиган аҳоли сонига қараб, кўчиришнинг 3 хил тури бўлади:

- чекланган эвакуация;
- маҳаллий эвакуация;
- минтақавий эвакуация.

**Чекланган эвакуация** - фавқулодда вазият манбаи шикаст омилларининг эҳтимол бўлган таъсир зонаси шаҳар кичик тумани ёки қишлоқ аҳоли яшаш жойи чегараси ичидан чиқмай, эвакуация қилинадиган аҳоли ва ишчи-ходимлар сони бир неча минг кишидан ошмаган тақдирда ўтказилади.

**Маҳаллий эвакуация** - ўртача катталиқдаги шаҳарлар, йирик шаҳарларнинг алоҳида туманлари, қишлоқ туманлари фавқулодда вазият зонасига тушиб қолган ҳолларда ўтказилади. Бунда кўчириладиган аҳоли ва ишчи-ходимлар сони бир неча мингдан ўнлаб минг кишигача етиши мумкин бўлиб, улар одатда фавқулодда вазият зонаси билан ёндош хавфсиз жойларга жойлаштирилади.

**Минтақавий эвакуация** - шикастловчи омиллар анчагина кенг майдонга ёйилиб, йирик шаҳарларни ҳам ўз ичига олган, аҳолиси жуда зич жойлашган битта ёки бир неча минтақа ҳудудини қамраб олганда амалга оширилади. Минтақавий эвакуацияда фавқулодда вазият зонасидан транспортда (пиёда) олиб чиқиладиган аҳоли ва ишчи-ходимлар доимий яшаб турган жойларидан анчагина узоққа кўчирилиши мумкин.

Фавқулодда вазият зонасига тушиб қолган аҳолининг қанчаси кўчириш тадбирлари билан қамраб олинганига қараб, эвакуация қилишнинг икки тури (варианти) бўлиши мумкин:

- ялпи эвакуация;
- қисман эвакуация;

**ялпи эвакуация** - фавқулодда вазият зонасидан ҳамма тоифа аҳоли олиб чиқилишини назарда тўтади.

**қисман эвакуация** - фавқулодда вазият зонасидан меҳнатга лаёқати бўлмаган аҳоли, мактабгача ёшдаги болалар, касб–ҳунар коллежлари ўқувчилари олиб чиқилиши зарур бўлганда ўтказилади.

Аҳолини ва ишчи ходимларни кўчиришнинг кўрсатилган вариантлари хавфнинг ёйилиш кўлами ва тавсифига, уни амалга ошишини олдиндан тахминлашни қанчалик ишончлилигига, шунингдек, фавқулодда вазият манбаи шикастловчи омилларининг таъсир зонасидаги ишлаб чиқариш объектларидан хўжаликда фойдаланиш истиқболига қараб танланади.

Одамлар ҳаёти ва саломатлигига хавф борлиги аҳолини эвакуация қилиш ҳақида қарорга келиш учун асос ҳисобланади. Аҳолини ва ишчи ходимларни эвакуация қилиш ҳақида қарорга келиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси субъектларининг ҳудудида фавқулодда вазият юзага келган ёки фавқулодда вазият хавфи олдиндан тахмин қилинаётган ижроия ҳокимият идораларининг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ташкилотларининг раҳбарларида (фуқаро муҳофазаси) бошлиқларида бўлади.

Фуқаро муҳофазаси кўламига ва эвакуациянинг қанчалик шошилишчилиги талабларига қараб, маҳаллий ёки минтақавий кўринишдаги шошилишч (кечиктириб бўлмайдиган) ёки олдиндан ўтказиладиган эвакуация тегишли фуқаро муҳофазаси бошлиқларининг кўрсатмалари ёки фармойишларига биноан амалга оширилади.

Кечиктирмай қарорга келиш талаб қилинадиган ҳолларда чекланган актердаги шошилишч кўчириш потенциал хавфли объектнинг навбатчи-йўриқчилик хизмати бошлиғининг кўрсатмасига биноан ўтказилиши мумкин.

Бошқарувнинг ҳудудий, идоравий, объект идоралари фуқаро муҳофазаси бошлиқлари (фавқулодда вазият ҳайъатлари) эвакуацияга умумий раҳбарлик қилади. Аҳолини ва ишчи-ходимларни эвакуация қилиш тадбирларини бевосита ташкил этиш ва ўтказишга эса вилоят, шаҳар, туманлар маъмурияти ва иқтисодиёт объекти бошқарув органлари ташкил этадиган аҳолини ва ишчи ходимларни эвакуация қилиш ташкилотлари раҳбарлик қилади.

Аҳолини ва ишчи ходимларни эвакуация қилиш тадбирлари яхшилаб ўйлаб режалаштиришни ҳамда транспортни, йўлларни, кўчириладиган ташкилотларни, аҳоли борадиган хавфсиз жойларни олдиндан тайёрлаб кўйишни, шунингдек, аҳолини ва ишчи ходимларни эвакуация қилиш фавқулодда вазият соҳасида ҳар томонлама тайёргарлик кўришини талаб қилади.

Бундай тайёргарликни ижроия ҳокимияти идораларининг ва иқтисодиёт объектлари бошқарув ташкилотларининг фуқаро муҳофазаси бошлиғи бўлган раҳбарлари ташкил этади ва ўтказиши.

Аҳолини эвакуация қилиш ишлаб чиқариш-ҳудудий ёки ҳудудий асосда режалаштирилади, ташкил этилади ва амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш-ҳудудий тартиби фавқулодда вазият зоналаридан ишчилар, хизматчилар, талабалар, ўқувчиларни, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, ўқув юртлари бўйича ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишламайдиган бошқа аҳолини эса турар жойдан фойдаланиш органлари орқали турар жойлари бўйича транспортда (пиёда) олиб чиқишни назарда тўтади.

Муайян ҳолларда эвакуация қилишни ҳудудий тартибда, яъни аҳолини ва ишчи-ходимларни эвакуация қилиш эълон қилинган пайтда бевосита аҳоли яшаб турган жойдан амалга оширилиши мумкин.

Аралаш усули энг самарали ва энг мақбул усул ҳисобланади, у мавжуд транспорт ёрдамида иложи борича энг кўп ишловчилар билан бир вақтда аҳолини қолган қисмини бирга кўшиб олиб чиқишга асосланади. Бунда, асосан

пиёда тартибда юра олмайдиган аҳолини ва ишчи ходимларни транспортда олиб чиқиш режалаштирилади.

Аралаш усул фавқулодда вазиятлар зоналаридан аҳолини ва ишчи ходимларни эвакуация қилиш тадбирларини энг қисқа муддатда ўтказиш талабларига жуда мос келади.

Эвакуация қилинадиган аҳоли хавфсиз жойларда махсус буйруқ бўлгунча жойлаштириб турилади.

Тегишли давлатлараро келишувлар бўлса, Ўзбекистон Республикасининг эвакуация қилинган аҳолиси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги қатнашчилари бўлган мамлакатлар ва бошқа қўшни давлатлар ҳудудларида жойлаштирилиши мумкин. Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ҳам бошқа давлатлардан кўчириб келтирилган аҳоли учун жой берилиши мумкин. Бунда ҳамкорлик қиладиган давлатлар ваколатли идораларининг биргаликда иш тўтиши халқаро ҳуқуқ меъёрларига, икки томонлама ва кўп томонлама давлатлараро келишувларга, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа мамлакатлар қонунларига асосланади.

Эвакуация қилиш тадбирларининг ҳажми кўплиги, ташкил этиш ва ўтказишдаги мураккабликлари эвакуацияни ўтказувчи органларни тузишга ҳамда улар аҳолини ва ишчи ходимларни кўчириш вақтида ва тайёргарлик кўришига юқори талаблар қўяди.

Аҳолини ва ишчи-ходимларни эвакуация қилишни ташкил қилишни режалаштириш, ташкил этиш ва ўтказиш бевосита шаҳар, туман ва вилоятларнинг эвакуация қилиш ташкилотларига, ҳокимият идораларига, фавқулодда вазият бошқармалари ва бўлимларига юклатилади.

Қуйидагилар эвакуация ташкилотлари таркибига киради:

- аҳолини ва ишчи ходимларни эвакуация ҳайъатлари;
- эвакуация қилинганларни қабул қилиш ҳайъатлари;
- эвакуация қилинадиганларнинг йиғилиш жойлари;

- эвакуация қилинганларни қабул қилиш жойлари;
- эвакуациянинг оралиқ жойлари;
- пиёда эвакуация қилинадиганларнинг йўллардаги бошқариш гуруҳлари;
- эвакуация қилинадиган аҳолини ва ишчи ходимларни транспортда (пиёда) олиб чиқиш тезкор гуруҳлари.

### 3.ҲИСОБ ҚИСМИ

#### 3.1. КУЧЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ ЗАҲАРЛИ МОДДАЛАР БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ОҚИБАТЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Паркент-Қорасув ИТБ биносидан маълум масофа узокликда авария натажасида кучли таъсир этувчи заҳарли модда атмосферага тарқалса, кучли таъсир этуичи заҳарли моддалар билан зарарланган майдон ўлчамларини аниқлаш учун бирламчи маълумотлар фойдаланиш зарур бўлади..Ҳавога тарқалаётган моддани хлордеб оламиз. Хлор солинган сиғим корхонада авария содир бўлганлиги туфайли бўлакларга бўлинди. Корхона аҳоли ИТБ бош биносидан 30 км узокда жойлашган.

Метеоҳолат қуйидагича: изотермия, шамол тезлиги=5 м/с. Хлор моддасининг заҳарли таъсир этиш вақти ва заҳарланган ҳаво булўтининг аҳоли пункти чегарасига етиб келиш вақтини аниқлаш лозим.

Бу муаммо қуйидагича ечилади:

Хлор солинган сиғимни бўлакларга бўлиниши натажасида атроф муҳитга зарар келтирувчи хлорнинг миқдори аниқланади.

$$Q_0 = d \cdot V_s \cdot t \quad (3.1)$$

Бу ерда

$Q_0$ -сиғимдаги мавжуд хлорнинг миқдори, т;

$d$ - хлорнинг зичлиги, т/м<sup>3</sup>;

$V_s$ -сиғимнинг ҳажми, м<sup>3</sup>.

Олинган маълумотларга кўра  $d=1,533$  т/м<sup>3</sup>;

$$V_s=30 \text{ м}^3.$$

$$Q_0 = 1,533 \cdot 30 = 46 \text{ ,т}$$

Бирламчи булутга қараб модданинг эквивалент миқдорини аниқлашимиз:

$$Q_{el} = k_1 \cdot k_3 \cdot k_5 \cdot k_7 \cdot Q_0$$

Бу ерда

$k_1$  –хлорни созлаш шароити билан боғлиқ коэффициент;

$k_3$ - хлор чегаравий токсодазасининг кучли таъсир этувчи захарли модда токсодазасига тенг бўлган миқдор коэффициенти;

$k_5$ -ҳавонинг вертикаль турғунлигини ҳисобга олувчи коэффициент;

$k_7$ -ҳаво ҳарорати таъсирини эътиборга олиш коэффициенти.

У ҳолда

$$Q_{e1} = 0,18 \cdot 0,052 \cdot 0,23 \cdot 1 \cdot 46 = 0,108 \text{ t}$$

Майдонга тўкилган хлорнинг кейинги соатлардаги буғланиш вақти-Т ни топамиз:

$$T = \frac{h \cdot d}{k_2 \cdot k_4 \cdot k_7} \quad (3.2)$$

Бу ерда  $k_2$ -хлорнинг физик-кимёвий хоссаларига боғлиқ коэффициент;

$k_4$ -шамол тезлигига боғлиқ коэффициент;

h-ерга тўкилган хлорнинг қалинлиги, м.

$$h=7 \text{ см}=0,07 \text{ м};$$

$$k_2=0,052;$$

$$k_4=2.$$

У ҳолда

$$T = \frac{0,07 \cdot 1,533}{0,052 \cdot 2 \cdot 1} = 1,03 \text{ soat} = 61,8 \text{ min}$$

Заҳарланган ҳаво булутини аҳоли пунктига етиб келиш вақтини аниқлаймиз:

$$t = \frac{L}{V}, \text{ soat}$$


L-заҳарланиш манбаидан аҳоли пунктигача бўлган масофа, км;

V-инг олдинги фронтининг эсаётган шамол тезлигига боғлиқ бўлган тезлиги, км/соат.

Шамол тезлиги  $V_{sh}=5 \text{ м/с}$  бўлганда  $V=21 \text{ км/соат}$  тенг бўлади.

Унда

$$t = \frac{30}{21} = 1,43 \text{ сооа} = 85,8 \text{ минут}$$



Кимёвий зарарланиш зонаси майдони  $S$  тенг томонли учбурчак майдони каби қабул, яъни тарқалиш кўлами- $L$  ва кенглиги  $Ш$  кўпайтмасининг ярмига тенг,

$$S = \frac{1}{2} L \cdot Ш \quad (3.3)$$

Тарқалиш кўлами кенглиги  $B$  изотермияда тенг

$$B = 0,15 \cdot L = 0,15 \cdot 30 = 4,5 \text{ км}$$

Унда

$$S = \frac{1}{2} \cdot 30 \cdot 4,5 = 67,5 \text{ км}^2 \text{ .га тенг бўлади.}$$

### 3.2. СУВ ХЎЖАЛИК ОБЪЕКТЛАРИДА СОДИР БЎЛАДИГАН ТАБИЙ ОФАТЛАР ОҚИБАТЛАРИНИ БАШОРАТЛАШ

Сув хужалиги объектлари ишчиларининг ҳимояланганлигини баҳолаш бу олдиндан фуқаро муҳофазасининг қуйидаги масалаларини ечишга қаратилади – аҳоли ва ишчи хизматчиларни пана жойлар ва ҳимояланиш иншоотлари билан таъминланганлиги аниқланади.

Бу баҳоланиш натижасида керакли ҳулосалар қилинади ва комплекс тадбирлар амалга оширилади.

Ишчи хизматчиларни ҳимоялайдиган иншоотларнинг ҳолатини аниқлаб, уларни яхшилаш чоралари ҳам белгиланади.

Объектда ишчиларнинг ишлаш қобилиятини сақлаб қолганларнинг сони куйидагича аниқланади:

$$M = A - \frac{AC}{100} \quad (3.4)$$

бу ерда  $M$  – фавқулодда вазият омиллари таъсиридан сўнг ўз иш фаолиятини давом эттиришга мумкин бўлган ишчи хизматчилар сони.

$A$  – объектдаги умумий ишчилар сони

$C$  – ишлаб чиқариш қобилиятини йўқотганлар кўрсаткичи, %

$A = 68$  киши,  $C = 18$  % бўлса,

$$M = 68 - \frac{68 \cdot 18}{100} = 68 - 12 = 56 \text{ киши}$$

Баҳор ойларида ёгингарчиликнинг кўп бўлиши ва тоғлардаги қор ва музликларнинг жадал эришлиги, тоғ олди зоналарида жойлпшган ҳудудларга сел оқисини олиб келади. Селли тошқинлар ҳосил бўлиб, улар сув иншоотлари

атрофини, қирғоқларини, баъзан тўғон ва кўприкларни ювиб кетади. Буни натижасида экин майдонлари ва муҳандислик иншоотлари ката зарар кўради.

### Сув тошқинида объект ҳолатини башоратлаш

Чорвоқ сув омборидан эҳтимолий объектгача сув тошқинини етиб келишини башоратлаш:

Сув манбаидаги сув ҳажми  $Q = 2004000 \text{ м}^3$ .

Сув манбаидан сув келаётган жойнинг кенглиги  $B = 25 \text{ м}$ .

келаётган жойнинг чуқурлиги  $H = 10 \text{ м}$ .

Сувнинг ўртача тезлиги  $V = 40 \text{ м/с}$ .

Сув манбаидан сув хўжалиги объектигача бўлган масофа  $L = 10 \text{ км}$ .

Объектдаги тошқиндан неча метр сув босиш эҳтимоли қуйидагича аниқланади:

